

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ТАҚЛИД СЎЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зияев Аваз Ихтиёрович

Қўқон давлат педагогика институти,
инглиз тили ва адабиёти кафедраси
профессори, филология фанлари доктори

Моҳидил Шарипова

Қўқон давлат педагогика
институти докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оламнинг лисоний манзараси, бадиий тасвири ҳар бир тилда ўзига хос ва серқирра эканлиги, бу борлиққа миллий назар, ҳар бир тилнинг ўзига хос фонетик системаси ҳамда миллий артикуляция хусусиятлари билан боғлиқлиги, оламнинг мифологик, диний, илмий ҳамда лисоний манзаралари таҳлилига эътибор қаратилади. Шунингдек, тақлид сўзларнинг оламнинг лисоний манзарасида ўзининг мустақкам ўринга эга эканлигини, ҳар бир тилдаги тақлидий ифода шу тил сўзловчиларининг артикуляцион имкониятларини, тилнинг фонетик кўламини намоён этиши хусусида атрофлича фикр юритади.

Калит сўзлар: оламнинг мифологик манзараси, оламнинг диний манзараси оламнинг, илмий манзараси, оламнинг лисоний манзараси, тақлид сўзлар, миллий менталитет, миллий маданият, концептосфера.

АННОТАЦИЯ

В данной статье уделяется внимание тому, что языковой картина мира, художественный образ мира уникален и красочен в каждом языке, национальному взгляду на это существование, уникальному фонетическому строю каждого языка и национальным артикуляционным особенностям, анализу мифологические, религиозные, научные и языковые картины мира. Кроме того, он глубоко задумывается над тем фактом, что слова-имитации занимают прочное место в языковой картине мира, что выражение имитации в каждом языке показывает артикуляционные способности носителей этого языка и фонетический охват языка.

Ключевые слова: мифологическая картина мира, религиозная картина мира, научная картина мира, языковая картина мира, слова-подражания, национальный менталитет, национальная культура, концептосфера

ABSTRACT

This article focuses on the fact that the linguistic picture of the world, the artistic image of the world is unique and colorful in each language, the national view of this existence, the unique phonetic structure of each language and national articulation features, the analysis of mythological, religious, scientific and linguistic pictures of the world. In addition, he thinks deeply about the fact that imitation words occupy a strong place in the linguistic picture of the world, that the expression of imitation in each language shows the articulatory abilities of the native speakers of this language and the phonetic coverage of the language.

Keywords: mythological picture of the world, religious picture of the world, scientific picture of the world, linguistic picture of the world, imitation words, national mentality, national culture, conceptosphere.

Маълумки, фалсафа фани негизида “оламнинг манзараси” тушунчаси шаклланиб, тез орада ушбу тушунча илмий, ижтимоий, маданий ва турли бошқа жабҳаларни қамраб ола бошлади. “Фалсафада олам манзарасини аниқлаш билиш жараёнини идрок этиш, воқеликни фарқлаш ҳамда илмий билиш жараёни билан боғлиқ, шунинг учун олимлар борлиқ тасвири билан оламнинг илмий манзарасини (картинасини) айнанлаштирадлар”. “Оламнинг лисоний манзараси” истилоҳи замонавий тилшуносликнинг энг йирик йўналишларидан бири бўлган когнитив тилшуносликка оид тадқиқотларда фаол саналади. Ўз-ўзидан, мазкур атама таркибидаги “лисоний” сифатловчиси оламнинг яна бошқа манзаралари ҳам мавжуд эканлигига ишора қилади [6; 6-8]. Дарҳақиқат, турли соҳалардаги замонавий тадқиқотлар оламнинг фалсафий, мифологик, диний ва илмий манзаралари каби масалалар таҳлилига асосланади. Ушбу манзаралар орасидаги тафовутни тушуниш эса оламнинг лисоний манзараси, унинг таркибий қисмлари, вазифа ва мақсадларини янада тўлақонли англашга йўл очади. Жумладан, оламнинг фалсафий манзараси борлиқни инсон ва олам муносабатлари негизида англашга интилади. Ушбу муносабатлар онтологик, когнитив, кадриятлар ва амалий фаолият каби тушунчалар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади, яъни дунё ақлий фаолият, тушунча, ғоя, сўзлар воситасида англашилади. Оламнинг мифологик манзараси эса дунёдаги барча нарсалар жонли, уларнинг ҳар бири ўз руҳига эга деган қараш асосида шаклланган.

Ушбу тасвир йирик олам бир неча кичик оламлардан иборат, уларда замон ва макон турли хил, бироқ улардаги барча мавжудотлар ягона. Тақдири азал – борлиқ қонуниятига бўйсунди, деган ақидани илгари суради. Бунда мифлар қаҳрамони бўлган турли худолар ҳам мутлақ кучга эга эмас, улар ҳам тақдири азалга тобе дея ишонилади. Оламнинг диний манзараси эса ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор, бунда ибтидо Аллоҳ дунёни яратган ҳисобланса, вақти келиб борлиқнинг охири келиши, интиҳо бўлиши ҳақидаги қарашлар етакчилик қилади. Оламнинг диний манзарасида инсоннинг мавжудлиги моҳияти Аллоҳнинг иродасини бажаришдадир, дейилади. Ўз навбатида, турли фарқларга кўра ушбу манзаралар насроний, исломий, буддавий ва бошқа диний тасвирларга ҳам бўлиниши мумкин.

Дунёнинг илмий манзараси эса юқоридаги тасвирлардан фарқли равишда замон ва маконда моддий вужудлар мавжуд, ушбу вужудлар атом дея номланувчи зарралардан иборат, вужудлар ўткинчи, атомлар эса боқий деган қарашларга асосланади. Ҳар қандай ҳодиса ўз сабабига эга, инсон ҳаётий мақсадлари, табиат ва тарихнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ – буларнинг бари абадий қонуниятлар доирасида мавжуд, уларга амал қилган ҳолда ҳаракатланади. Яъни оламнинг илмий манзараси бошқаларидан фарқли равишда мавҳум тушунчаларга эмас, балки моддий унсурларга асосланади.

Юқорида келтирилган олам манзаралари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилар эканмиз, ўз-ўзидан, ушбу манзаралар ва оламнинг лисоний манзараси орасидаги сезиларли тафовутни англаш мумкин. Аввало, оламнинг лисоний манзараси(ОЛМ) ҳеч қандай ғоя асосида шаклланмаган, бунга сабаб тил воситаларининг мўътадил эканлиги дейиш мумкин. Яъни сўз турли ғоя ва фикрларни бирдек ифодалашга хизмат қила олади. Зеро, “оламнинг лисоний манзараси – борлиқ ҳақидаги билимларнинг тил воситасида акс эттирилиши, шунингдек, янги билимларни эгаллаш ва уларни ифодалаш воситасидир” [9; 5-6]. “Оламнинг лисоний манзараси – бу, барча лисоний имкониятларнинг мажмуаси, у маълум бир ўзига хос маданият руҳи, тил эгаларидан иборат жамиятнинг менталитети, тил имкониятлари ва вазифаларини кўрсатиб беради. Оламнинг лисоний манзараси этнос ва тилнинг тарихий тараққиёт жараёнини акс эттиради ва айни вақтда, тилнинг келажакдаги ҳолати ҳақида илмий башорат беради. Оламнинг лисоний манзараси тилдаги энг содда жараёнлардан бошлаб тилнинг ўзига хос характерида намоён бўлувчи мураккаб жиҳатларини камраб олади ва ҳеч бир лингвистик жараён ундан четда қолмайди. Оламнинг лисоний манзараси тарихий тараққиёт давомида ўзгаришларга учрайди ва у лингвистик ҳодиса бўлиш билан бир қаторда, айни вақтда маданий ҳодиса ҳам ҳисобланади.

Оламнинг лисоний манзараси бир авлод вакили томонидан яратилади ҳамда иккинчи авлод вакили томонидан бойитилади. Авлоддан авлодга мерос сифатида ўтади ва оламнинг лисоний манзараси умуммаданий ҳодиса, яъни барча халқлар тараққиётнинг турли босқичларида бу жараённи турлича босиб ўтадилар” [1; 133-134]. Оламнинг лисоний манзараси, бадиий тасвири ҳар бир тилда ўзига хос ва серқирра бўлиб, бу борлиққа миллий назар, ҳар бир тилнинг ўзига хос фонетик системаси ҳамда миллий артикуляция хусусиятлари билан боғлиқдир. Шунингдек, олам лисоний манзарасининг ўзига хос ишланган ва сайқаллаштирилган, энг мукаммал кўриниши бўлган бадиий тасвир қиймати нафақат сюжетининг изчиллиги, балки бевосита миллий тасвирий воситаларининг қай даражада танланганлиги, ўзаро уйғунлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳар бир тил учун ўзаро кўп ҳам фарқланмайдиган жиҳатлар билан бирга, тилларнинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланиб турадиган, соф миллий лисоний табиатга эга бўлган жиҳатлар ҳам борки, у тилнинг моҳиятини, тиллар оламидаги ўзига хосликларни таъминлайдиган ҳодисалар ҳисобланади [6; 3-10].

Ушбу фикрдан англашиладики, оламнинг лисоний манзараси ўз моҳиятига кўра бошқа манзаралардан қуйидаги жиҳатларига кўра ажралиб туради:

биринчидан, оламнинг лисоний манзараси амалий самарадор, яъни тасвир воситалари бўлган сўзлар кишининг ҳис-туйғулари, билими, диний ва дунёвий қарашларини ифодалаб, нутқни шакллантиришга хизмат қилади;

иккинчидан, оламнинг лисоний манзараси диний, мифологик, фалсафий ва илмий тасвирлар орасида боғловчи бўғин вазифасини бажаради, зеро, ушбу сатҳларга оид қарашлар, ғоя ва фикрлар бевосита тил орқали ифодаланади. Лисоний манзара воситалари ҳар қандай бошқа тасвирларни нутқда ифодалаш учун бирдек қўлланади. Айни пайтда, илмий тасвирга оид тушунчалар ёки диний, мифологик тасвир воситалари қўлланиш доираси фақат “ўз ўқи” атрофида чекланган;

учинчидан, маълумки, воқеа-ҳодисалар, предмет ва образлар турли миллатлар онгида турлича шаклланади ва менталитетлар орасидаги тафовутлар лисоний воситалар негизида яққол кўзга ташланади. Шу сабабдан оламнинг лисоний манзараси ўз воситалари бўлмиш сўзлар орқали ўзининг фарқловчилик вазифасини ҳам бажаради [5; 3-16].

Оламнинг лисоний манзараси умумий, миллий ва хусусий турларга бўлинади. Оламнинг умумий лисоний манзараси ва миллий тасвиридаги фарқли жиҳатлар эса бугунги кунда тилшуносликнинг когнитив лингвистика ва лингвомаданиятшунослик каби нисбатан янги йўналишларида олиб

борилаётган турли тадқиқотлар учун марказий масала бўлиб қолмоқда. Г.Гачёвнинг фикрига кўра, “оламнинг миллий образи ўз таркибида миллий макон, турмуш тарзи, тил, миллий рух, миллий менталитет, борлиқни англашнинг миллий усули, борлиқ ҳақидаги миллий тушунчалар, кадриятлар тизими каби сатҳларни қамраб олади. Ҳар бир давр ўзига хос миллий қиёфани яратади” [2; 7-81]. Ушбу категориялар асосида шаклланиб, узлуксиз ривожланиб бораётган миллий тиллар эса оламни турли бўёқларда, бетакрор тарзда тасвирлаши табиий ҳол – зеро, “тил ўз маънолари тизими ва ушбу тизимлар бирикуви орқали оламнинг концептуал моделини миллий ва маданий ранг-баранглик орқали бойитади” [11; 177].

Шунингдек, А.Потебня, Э.Сепир, Б.Уорф ва В.Масловалар тил ҳодисаларини миллий менталитет, миллий маданият ва ижтимоий муҳитга боғлиқлиги нуқтаи назаридан ўрганишда кўплаб тадқиқотларни амалга оширдилар [10; 25-28]. Гарчи ўзбек тилшунослиги учун замонавий лингвистиканинг ушбу йўналишлари нисбатан янги ёндашув сифатида қаралса-да, миллий тилшуносликда олимлар Ш.Сафаров, Н.Нормуродова, З.Шукурова, Ў.Юсупов ва А.Абдуазизовлар оламнинг умумий лисоний манзараси ва оламнинг миллий лисоний манзараси хусусида қатор тадқиқотлар олиб боришди [8; 21-24].

Тилшунослар оламнинг лисоний манзараси ва концептосфера айна бир воқеликнинг турлича номланиши деган фикрни билдиришади [12; 61-62]. Демак, концептосферанинг таркибий қисми ҳисобланган концептлар – олам лисоний манзарасининг ҳам асосий воситаси саналади. Энди оламнинг лисоний манзарасида тақлидлар қандай ўринга эга, деган муаммо ечимига ўтар эканмиз, бунинг учун тақлидий сўзларнинг келиб чиқиши, семантик вазифаси ва моҳияти масалаларига тўхталиш лозим.

Товушга тақлид назарияси Демокрит томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқотга кўра, қадимги одамлар беихтиёр равишда турли товуш, жонивор-ҳайвонларнинг бақирқ чақирқларига, қушларнинг овози, табиат ходисаларининг овозига тақлид қилишга уринишган. Илк одамлар бошлаб баъзи товушни ва маълум бир йиллар давомида мазкур товушларни бир-бирига қўшиб талаффуз қилиш орқали ўрганган: ушбу товуш ва товуш бирикмалари сўз ҳосил қилишга асос бўлган [3; 24-28].

Ҳар бир тилда табиат товушларига тақлид қилиш йўли билан пайдо бўлган сўзлар, масалан, рус тилида кукушка, гавкать, шипеть, ўзбек тилида қарға, шаршара, каклик, чумчук, миёв (миёвламоқ)нинг мавжудлиги бундай фаразга асос бўлган. Гарчи мазкур фаразнинг камчиликлари, ҳақиқатга зид томонлари шак-шубҳасиз кўзга ташланса-да, индивидуал назарияга

асосланувчи тилшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, тақлидий ифодалар оламнинг лисоний манзарасида пойдевор ёки асос вазифасини бажаради, дейиш мумкин бўлар эди. Бироқ, англашилганидек, тилнинг пайдо бўлишига оид аниқ ёзма далилий манбаларнинг йўқлиги, қолаверса, ушбу назарияга қарама-қарши турли бошқа фикрлар мавжудлиги сабаб тилнинг тақлидий ифодалар негизида келиб чиққанини буткул тўғри фикр, деб бўлмайди. Демак, товушга тақлид фарази тилнинг пайдо бўлиши масаласини узил-кесил ҳал қилолмайди. Маълумки, тил билан тафаккур бир вақтда пайдо бўлади. Шундай экан, юқоридаги фаразни илгари сурган файласуфлар ва тилшуносларнинг фикри тил билан тафаккур бирлигига зид чунки фарзда дастлабки тақлидий товушлар қадимги одамлар томонидан онгли ё онгсиз равишда “изҳор қилинган”, деб аталади [7; 32-36]. Бундай ҳолда тил тафаккурдан аввал пайдо бўлган, деган нотўғри хулоса юзага келиши мумкин.

Ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса, нарсалар билан уларнинг номи орасида, умуман олганда, ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бу кўпчилик олимлар томонидан қайд этилган. Нарса билан унинг номи орасида боғлиқлик бўлганда тилларнинг сони 5000 дан ортиб кетмасди. Шунини айтиб ўтиш керакки, айрим тилларнинг келиб чиқишини, масалан, ўзбек, рус, ҳинд, тожик ва бошқа тилларнинг қачон пайдо бўлганини, қандай таркиб топганлигини аниқ билиш мумкин. Аммо, бирор бир аниқ тилнинг келиб чиқиши масаласини умуман тилнинг, инсонлар нутқининг пайдо бўлиши масаласи билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳозир дунёда мавжуд бўлган жонли тилларнинг ҳам, баъзи бир ўлик тилларнинг ҳам келиб чиқиш тарихини ўрганиш у қадар қийин масала эмас. Анчагина тилларнинг қачон пайдо бўлганлиги, қачон таркиб топганлиги аниқланган. Бироқ ер юзида инсониятга хос тилнинг қачон пайдо бўлганлиги, дастлабки тилларда қандай сўзлар бўлганлиги, унинг грамматик хусусиятлари нималардан иборат эканлиги ҳал қилинган эмас ва ҳал қилиниши ҳам мумкин эмас. Чунки бундан бир неча юз минг йиллар бурун пайдо бўлиб, кейинчалик номнишонсиз йўқолиб кетган тиллар ҳам бўлган. Бундан бир неча юз минг йил бурун пайдо бўлган тилларнинг фонетик тизими, сўз бойлиги, грамматикаси ва бошқа муайян хусусиятларидан қатъий назар, умуман тилнинг келиб чиқиши ўрганилар экан, энг аввало, тилнинг келиб чиқишидаги шарт-шароитларни тадқиқ қилиш, яъни инсонлар қандай шароитда сўзлай бошлаганликларини ўрганиш ва бу масалани тилнинг келиб чиқиши масаласи билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиб, хулоса чиқариш лозим.

Шунга қарамасдан, тақлидларнинг олам миллий лисоний манзарасида ўзининг мустаҳкам ўринга эга эканлигини тасдиқлаш лозим. Аввало, ҳар бир тилдаги тақлидий ифода шу тил сўзловчиларининг артикуляцион имкониятларини, тилнинг фонетик кўламини намоён этади. Тақлидий ифодалар сўзловчиларнинг (бизнинг назаримизда, бутун бир миллатнинг) у ёки бу табиий ҳодисани қай шаклда қабул қилишини намоён этади. Шунингдек, табиий ҳодисага нисбатан муносабат, воқеликка нисбатан ҳиссий ёндашув ва яна мазкур ҳодисанинг миллат менталитети ва тажрибасида қандай из қолдиргани – буларнинг бари тақлидий сўзнинг структураси, кўлланиш доираси ва ҳатто фонетик таркиби орқали англашилади. Масалан, милт-милт, шип-шип, шилдир-шилдир, жимир-жимир тақлидий ифодаларининг фонетик таркибидан ҳаракат ёки ҳолатнинг киши онгида ижобий таассурот қолдириши, ушбу ифодалар ижобий, ёқимли манзараларни кўллашда ишлатилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин. Бу каби тасвирий ифодавий ўзига хосликларни сўзлар таркибида такрорланувчи и тор унлиси орқали англаса бўлади. Қолаверса, тақлидий ифодаларнинг айнан ўз маъносига мос контекстда эмас, балки бутунлай бошқа контекстларда ҳам кўлланиши ушбу воситаларнинг юқори тасвирий хусусиятларидан далолат беради. Чалп-чулп, шапир-шупур, тапир-тупур, ғарч-ғурч тақлидлари жараённинг тез ёки кутилмаганда содир бўлганлиги, ҳаракатнинг кўпол равишда амалга оширилганлигини, ҳаракатнинг сониявийлигини ўз таркибидаги унлилар орқали тўлақонли ифодалаб беради. Ушбу тақлидий ифодаларнинг кесим, аниқловчи ёки ҳол вазифасида буткул бошқа контекстларда кўлланилганда ҳам айни шу маъноларни англантиши воқеликни тасвирлашда тақлидий ифодаларнинг нечоғлик муҳим эканлигини, уларнинг тасвирий имкониятлари қай даражада кенглигини яққол кўрсатиб беради, зеро, “маълум бир тил сўзлашувчиларининг менталитети ва ментал ўзига хослиги инсоннинг борлиқдаги қайси товушларни қай шаклда эшитиши орқали англашилади” [9; 32-36]. Шу билан бирга, тақлидий ифодалар у ёки бу ҳодисанинг сўзловчи онгида қандай кайфият уйғотишига ҳам ишора қилади. Товушлар кетма-кетлиги, яъни сўзнинг товуш таркиби ундаги ижобий ёки салбий маънони намоён эта олади ва бунга юқорида келтирилган тақлидий сўзлар яққол мисол бўла олади.

Оламнинг лисоний манзарасида тақлидий сўзларнинг ўрни шак-шубҳасиз муҳим, шунингдек, ушбу сўзлар асосида оламнинг товушли тасвири атамаси шакллангани тақлидларнинг кенг тасвирий имкониятига далил. Тақлидий ифода воситалари олам умумий лисоний манзарасининг дастлабки сатҳи, яъни фонетик сатҳини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Adullayeva R. The linguistic image of the world// Scientific journal of the Fergana State University. – №12, 2018 – Б.133
2. Гачев Г.Д. Национальные образы мира. – М.: Академия, 1998. – С. 7-81.
3. Леонтьев А.А. Возникновение и первоначальное развитие языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1963
4. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001.
5. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. №5. Б. 3 – 16;
6. Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. №3. Б. 3 – 10;
7. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017;
8. Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев, 1993;
9. Пименова. М.В. Душа и дух: особенности концептуализации. – Кемерово: Графика, 2004. – С. 5
10. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию. – М., 1993;
11. Серебренников Б.А. (отв. ред.) Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 177.
12. Юлдашев А.Г. Оламни лисоний концептуаллаштириш//Хорижий филология, 2020, №4 – Б.61-62.